5.300.000 ТОННА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 269 (17.253). • 25 ноябрь 1978 йил, шанба • Баҳоси 2 тийин.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВГА ДИМИТРОВ МУКОФОТИ ТОПШИРИЛДИ

БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков 23 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга халқаро Димитров мукофоти лауреати дипломи ва олтин медалини топширди. Ўртоқ Брежнев тинчлик, демократия ва социал тараққиётни ҳимоя қилишдаги ижтимоий-сиёсий, илмий ва ижодий фаолияти учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Мукофотни топшириш вақтида Ўртоқ Т. Живков нутқ сўзлади.

Т. ЖИВКОВ нутқи

Азиз Ўртоқ Брежнев!

Мен Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети билан БХР Давлат Кенгашининг Сизга тинчлик ва социал тараққиёт учун бериладиган Димитров мукофотини топширишдан иборат фахрли топшириувини қувонч билан ва гоят тўлқинланиб бажаряпман.

Бу йилги Димитров мукофотининг лауреатлари рўйхатини кимнинг номидан бошлашни белгилаш бизга қийин бўлмаганлигини айтиб ўтишнинг ҳожати бўлмаса керак. Том маънода айтганда, Сизнинг мукофотланишингиз муносабати билан социалистик Болгариянинг бутун халқи жюри ролини бажарди.

Леонид Ильич, халқимизнинг онгида халқлар ўртасида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида Сизчалик кўп ишмат қилган бошқа сиёсий арбоб йўқ. Биз мураккаб, жўшқин ва тахликали даврда яшаб турибмиз, шу даврда Совет Иттифоқининг партия ва давлат раҳбарлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси инсоният тараққиётини ва амалдаги инсонпарварлик принципларини қарор топтиришнинг энг атоқли ва ҳамма эътироф этган курашчиларидир.

Ҳурматли Леонид Ильич!

Болгар коммунистлари, болгар халқи учун, ҳозирги Болгария учун Георгий Димитровнинг номи қандай аҳамиятга эга эканлигини ўзингиз яхши биласиз. Бу ном — революцион Октябрь руҳи билан суғорилган XX асрда биз дунёга тортиқ қилган жамики энг яхши ва энг қаҳрамонона ишнинг олий ифодасидир.

Лейпциг қаҳрамони, биринчилар қаторида фашизмга ва у ушга қарши кураш байроғини кўтарган инсон бундан ўттиз йил муқаддам Кремлнинг айни шу залида Ленин орденини олган эди. У кўксига шу ордени тақиб ўзининг озод бўлган мамлакатига қайтиб борди ва Ватаннинг социалистик тонготари замини бўлмиш абадий ва ҳаётбахш болгар — совет дўстлигидан илҳомланиб, бу тонготар ишларига бошчилик қилди.

Шу боисдан ҳам биз, болгарлар, Георгий Димитров номидаги мукофотни Сиз олаётганингиз учун шу қадар қувончга тўлиб-тошганмиз. Бу мукофот Сизнинг жаҳон социализми назарияси ва практикасига, социалистик ҳамдўстлик бирлигини қарор топтиришга, унинг ҳозирги давр ривожига таъсирини тинимсиз кучайтиришга қўшган бебаҳо ҳиссангиз эътирофидир.

Сизнинг КПСС ва Совет давлатининг раҳбари лавозимида қилган ҳамма ишларингиз. Сизни халқаро коммунистик ҳаракатни мустаҳкамлаш, халқларнинг озодлик, миллий мустақилик ва социал тараққиёт йўлидаги қурашида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш, империализмга ва янги мустамлакачиликка қатъиян зарба бериш, реакция ва урушқинг қора кучларига қарши муросасиз кураш олиб боришдан иборат Ленин иши ва Георгий Димитров васиятлари билан узвий равишда боғлайди.

Азиз Ўртоқ Брежнев!

Совет Иттифоқининг жозиба кучи, унинг қудрати ва обрў-эътибори йил сайин ўсмоқда. Сизнинг ўз ҳаётингизни мамлакатингиз ҳаёти билан боғлаган коммунист ва раҳбар сифатидаги ҳиссангизни совет халқи билан бирга биз ҳам юксак қадрлаймиз. Совет Иттифоқининг ҳар бир муваффақиятида Сизнинг фидокорона истеъдодингиз, таниқли давлат арбобига хос ақл-заковатингиз ва куч-гайратингиз кўриниб турибди. Ўттиз йилдан ортиқ вақтдан бери Совет Иттифоқи янги жаҳон урушининг олдини олишда буюк хизмат қилиб келмоқда, инсоннят эса соғлом ақл-идрокининг ажал келтирувчи телбалик устидан қозонилган шу ғалабага Сиз шахсан нақадар катта ҳисса қўшганингизни яхши биласиз.

Сизнинг «...еримизни ардоқлаб асрашга, уни ядро ёғғини алангасида вайрон қилмай, бутун бойлиги ва кўркамлиги билан ёш авлодга топшириш...» тўғрисидаги сўзларингиз бугун ҳам, келгусида ҳам унутилмас сўзлар бўлиб қолади.

Совет халқи, КПСС ва Совет давлати — Ер юзида ҳаёт бўлсин деб халқаро муносабатларда кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳитини белгилаб бераётган асосий кучлардир.

Биз шунга аминмизки, тинчликсевар инсоният бирлашган куч-гайратлар билан империализмнинг кескинликни кучайтириш ва қуроллариш пойгасини авж олдириш йўлидаги хатарли уринишларини бартараф этади. Аммо бу сафар ҳам реакционерлар билан милитаристлар тарих ғилдирагини тўхтатиб кола олмайдилар. Георгий Димитровнинг ғиллерчи жаллодларга судда иборали қилиб айтганидек, тарих ғилдираги доимо олдинга ва юқорига: барча кишиларнинг тинчлиги ва бахт-саодати, социализм ва коммунизм сари бориладиган йўлдан айланаверади!

Тинчлик ва социал тараққиёт учун Димитров мукофоти — ўзининг — бутун вужудини даврнинг энг олий идеалларига ҳамиша бағишлаб келаётган, қўрқув ва таъна нималигини билмайдиган мард коммунистнинг битмас-туганмас куч-гайрати тимсолидир. Георгий Димитров даъват этган бирлик ҳозир коммунистларга ҳақиқат, озодлик ва тинчлик учун бошқа барча курашчиларга ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Қардош социалистик мамлакатларнинг бирлиги, ҳақиқатан ҳам ўз халқлари олдидагина эмас, ер куррасидаги барча кишиларнинг тақдири учун ҳам масъулият туйғуси билан яшаётган кишилар фикри, иродаси ва ҳаракатининг бирлиги зарур.

Георгий Димитров болгар коммунистларига ва болгар халқига болгар—совет дўстлигини ривожлантириш ва бойитишни васият қилган эди. бу дўстликнинг аҳамиятини у ҳар бир жонли мавжудод учун қуёш ва ҳаво билан тенглаштирган эди. Бу дўстлик — тарихимизнинг энг қимматбаҳо ғалабасидир.

Биз Ўртоқ Брежневнинг партияларимиз, халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги қардошларча ҳамжиҳатликка берган баҳоларини ҳамиша тўлқинланиб қабул қилиб келдик. КПСС билан БКПнинг ҳар томонлама ҳамкорлик ва яқинлашиш, сиёсий, иқтисодий ва маънавий бирликка қаратилган муштарак йўли иккала социалистик мамлакатимиз тарихий ижодкорлигининг ёрқин тимсолидир. Болгария Халқ Республикаси билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шу йўлни неча йиллардан бери ўтказиб келмоқдалар. Мангу бархаёт Георгий Димитров номидаги мукофот Ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Болгария Халқ Республикаси учун, ҳар томонлама яқинлашувимизни қўлловчи йўлни изчиллик билан ижодий ўтказиш учун қилган ва қилаётган ҳамма ишлари учун унга миннатдорчилигимизнинг ифодасидир.

Азиз Ўртоқ Брежнев, Сизни тинчлик ва социал тараққиёт учун Димитров мукофоти билан табриклайман!

Қалин дўстимизга, икки марта Болгария Халқ Республикасининг қаҳрамонига сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва совет халқининг фаровонлиги йўлида, социалистик ҳамдўстлик халқлари ишининг тантанаси йўлида, тинчлик ва социал тараққиёт учун муштарак курашимизнинг тўла ғалабаси йўлида янгидан-янги ажойиб муваффақиятлар тилаймиз!

Мукофот қутлуғ бўлсин!

* * *

Сўнгра Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Л. И. БРЕЖНЕВ нутқи

Азиз Ўртоқ Живков!

Менинг шаънимга айтган яхши сўзларингиз учун, леninчи партиямизнинг фаолиятига юқори баҳо берганингиз учун астойдил миннатдорман.

Равшанки, ҳозир халқаро Димитров мукофотини қабул қилиб олар эканман, аввало мукофотга номи қўйилган инсон тўғрисида, Болгариянинг улуғ фарзанди ҳақида ўйлайман. Советлар мамлакати унинг учун иккинчи ватан бўлган эди.

Фашизм ва урушга қарши, болгар халқининг бахт-саодати учун, коммунистик ҳаракатнинг бирлиги учун, халқаро ишчилар синфи парчаланишининг олдини олиш учун изчил, эҳтиросли кураш — Георгий Димитров ҳаётининг ўзаги бўлган эди. Георгий Димитровнинг фикрлари ва ишлари коммунизм тарихида ёрқин ва ибратли саҳифа бўлиб қолади.

Революция тажрибаси, революция назариясида доимо янги ғоялар бахш этиб туради, албатта. Бугина эмас, революцион ўзгаришлар доимо ижодкорликдир. Бироқ, тарихий ривожланишнинг аввалги босқичида бўлганидек, ҳозир ҳам жанговар бирдамлик, биргаликдаги ҳаракатлар коммунистлар олдига ҳозирги давр қўйётган вазифаларни ҳал этиш калитидир.

Совет ва болгар коммунистлари интернационализм байроғини баланд кўтариб бормоқдалар. Совет — болгар дўстлиги шу байроқ остида гуллаб-яшнади. Шу байроқ остида биз бошқа қардош мамлакатлар билан қўлни-қўлга бериб, халқлар ўртасидаги энг адолатли, энг олижаноб муносабатлар қураяпмиз ва ривожлантиряпмиз, тинчлик, демократия ва тараққиёт идеалларининг тантанасига эришяпмиз.

Мен коммунист бўлганим учун ҳам бу ишда бевосита қатнашишни буюк бахт, деб биламан, албатта.

Фахрий мукофот учун кўпдан-кўп раҳмат.

* * *

Мукофотни топшириш вақтида: Совет томонидан — Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, К. У. Черненко, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, Я. П. Рябов, К. В. Русаков ўртоқлар, шунингдек, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва А. И. Блатов; Болгария томонидан — БХРнинг Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети навбатдаги кенгашида қатнашган делегацияси аъзолари ҳозир бўлдилар.

Совет Иттифоқи ва Болгария Халқ Республикасининг партия ва давлат раҳбарлари Леонид Ильич Брежневни БХРнинг юксак мукофоти топширилиши билан самимий муборакбод этдилар ва унга халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш, бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлаш соҳасидаги тинимсиз фаолиятида янги муваффақиятлар тиладилар. ТАСС

Мукофотни топшириш пайти. (Сурат «Труд» газетасидан олинди).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати 23 ноябрь куни Катта Кремль саройида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгашидаги делегациялар шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда социалистик мамлакатлар делегацияларининг бошлиқлари Э. Герек, Г. Гусак, Т. Живков, Я. Кадар, Э. Хонеккер, Н. Чаушеску ўртоқлар, кенгаш ишида қатнашган делегацияларнинг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатлар, Марказий Комитет секретарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари, ҳарбий бошлиқлар бор эдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев зиёфатда нутқ сўзлади.

У бундай деди:

Бир неча соат муқаддам Варшава Шартномаси ташкилоти Сиёсий маслаҳат комитетининг кенгаши ўз ишини тугаллади. Биз замон ва ҳаёт мамлакатларимиз олдига қўйган масалалар хусусида батафсил фикрлашиб олдик, муштарак қарашларимизни ифодаловчи салмоқли сиёсий ҳужжат қабул этдик.

(Давоми иккинчи бетда).

М. А. СУСЛОВГА БОЛГАРИЯ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

Ўртоқ Т. Живков 23 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловга Георгий Димитров орденини топширди. Ўртоқ Суслов БКП билан КПСС, БХР билан СССР, совет ва болгар халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун, СССРда социалистик ва коммунистик жамият қурилишига қўшган хиссаси учун ана шу мукофотга сазовор бўлди.

Ўртоқ Т. Живков мукофотни топшириш вақтида бу мукофот Болгария барча коммунистлари ва бутун болгар халқининг ўртоқ М. А. Сусловга нисбатан чуқур иззат-ҳурматини ва самимий муҳаббат туйғуларини ифода этади, деди.

Азиз Михаил Андреевич, деб таъкидлади Т. Живков, Сизнинг Георгий Димитров ордени билан мукофотланишингиз атоқли назариячи ва марксизм-ленинизмнинг поклиги учун жўшкин курашчи сифатида қилган катта хизматларингизни, жаҳон социалистик ҳамдўстлигини ва халқаро коммунистик харакатни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангизни эъзозлашимизнинг ифодасидир.

Сиз билан биз садоқатли дўст ва қалин ўртоқларимиз. Бу мукофот Сизнинг БКП билан КПСС ўртасидаги қардошларча бирликни, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик ва яқинлашувни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссангиз учун Сиздан миннатдор эканлигимизни ҳам ифода этади. Ана шу бирлик ва ҳамкорлик амалдаги социалистик интернационализм намунасидир.

Ўртоқ М. А. Суслов ўзининг ижтимоий, сиёсий фаолиятига юксак баҳо берганликлари учун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига, БХР Давлат Кенгашига самимий миннатдорчилик изҳор этди. Мен, деди у, ана шу юксак орден билан мукофотланишим, аввало Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг хизматларини, унинг қардош социалистик мамлакатлар ўртасидаги бузилмас дўстлик ва ҳамкорликни янада кучайтиришга, мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизликка эришишга қаратилган сиёсатини эътироф этишдан далолат беради, деб ҳисоблайман.

Георгий Димитров ордени коммунист учун жуда чуқур маънога эгадир. Чунки у Совет Иттифоқида машҳур бўлган ва чин кўнгилдан севилган, барча қитъаларнинг меҳнаткашлари астойдил ҳурмат қилаётган революционер номи билан аталади.

Халқ Болгарияси ҳозирги кунда, деб таъкидлади М. А. Суслов, ўзининг улуғ фарзанди васиятларига амал қилиб, Совет Иттифоқи ва бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамламоқда, ривожланган социалистик жамиятни зўр муваффақият билан барпо этмоқда, тинчликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиётга эришиш йўлида жуда катта муваффақиятларга эришмоқда.

Болгария коммунистлари, БХРнинг барча меҳнаткашлари марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми байроғини баланд кўтариб бормоқдалар.

Мукофотни топшириш вақтида ҳозир бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, БХРнинг партия ва давлат арбоблари ўртоқ М. А. Сусловни мукофот билан қизғин табриклардилар, унинг коммунизм йўлида бундан буён ҳам самарали меҳнат қилишини тиладилар.

(ТАСС).

БОЛГАРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ, ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ ҲАМДА ҲУКУМАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ

БАЁНОТИ

БХР, ВХР, ГДР, ПХР, СССР, ЧССР коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматларининг раҳбарлари Яқин Шарқда вужудга келган вазиятни муҳокама қилиб, АҚШ паноҳида Миср билан Исроилнинг сепарат тил бириктириш сиёсатини кескин қораладилар. Бу сиёсат шу райондаги вазиятнинг янада хатарли тарзда мураккаблашувига олиб боради, холос. Улар арабларга қарши бундай сепарат тил бириктиришлар Яқин Шарқдаги низони шу райондаги барча халқларнинг, жумладан Исроил халқининг манфаатларига мувофиқ равишда ҳар томонлама сиёсий жиҳатдан бартараф этишга эришиш манфаатларига зиддир, халқаро хавфсизлик манфаатларига ва БМТ резолюциясига хилофдир, деб ишонч билдиодилар.

Қардош давлатлар коммунистик ва ишчи партиялари ҳамда ҳукуматларининг раҳбарлари араб мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари Бағдод кенгашининг қарорларини қўллаб-қувватлаганликларини билдирадилар. Улар шу қарорлар Яқин Шарқ проблемасини Яқин Шарқда тинчлик манфаатларини, ялпи тинчлик манфаатларини кўзлаб самарали ва адолатли тарзда ҳал этиш учун курашда муҳим ижобий роль ўйнайди, деб ҳисоблайдилар.

УЛКАН «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИ УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 24 ноябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

ҚАШҚАДАРЁ	0,18	105,39	0,16	102,90
БУХОРО	0,07	103,74	0,14	105,88
ЖИЗЗАХ	0,56	102,82	0,61	103,79
НАМАНГАН	0,08	101,71	0,10	108,10
ФАРҒОНА	0,17	100,19	0,31	91,43
Андижон	0,36	99,38	0,09	103,85
Сурхондарё	0,34	98,76	0,14	98,53
Тошкент	0,51	98,15	0,46	95,93
Самарқанд	0,56	92,94	0,47	100,63
Сирдарё	0,41	86,76	0,04	83,60
Хоразм	0,25	84,19	0,24	96,10
ҚҚАССР	0,43	73,10	0,39	73,80
Республика бўйича:	0,32	96,11	0,26	97,26
Шу жумладан нигичка толали пахта				
БУХОРО	0,15	105,75		
Наманган	0,12	93,09		
Қашқадарё	0,20	91,97		
Сурхондарё	0,61	89,38		
Республика бўйича:	0,44	91,58		

ВАТАНЛАРИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий Маслаҳат Комитети Кенгашида иштирок этган:

Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси делегацияси;

Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Герек бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси делегацияси;

Руминия Коммунистик партияси Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси делегацияси;

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси делегацияси 23 ноябрда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, К. Т. Мазуров, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. В. Русаков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети аъзолари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари В. А. Кириллин, В. Н. Новиков, З. Н. Нуриев, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўринбосари О. Б. Рахманин, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосарлари Г. А. Киселев, Г. Х. Шахназаров делегацияларни кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Япония янги либерал ташкилот партиясининг раиси, парламент депутати Е. Конони 24 ноябрь куни Кремлда қабул қилди. У СССР парламент группасининг таклифига биноан Москвага келган.

Амалий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Совет Иттифоқи билан Япония ўртасида ҳар икки мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш зарурлиги тўғрисида якдил фикр билдирилди. Совет — Япония муносабатларининг ана шундай ривожланиши Осиёда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга кўмаклашажаги таъкидлаб ўтилди.

(ТАСС).

АКМАЛ ИКРОМОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

24 ноябрь куни Тошкентда Коммунистик партия билан Совет давлатининг таниқли арбоби, Ўзбекистон Компартияси ташкилотчиларидан бири бўлмиш Акмал Икромов туғилган кунинг 80 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Ҳўжаев очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори Э. Ю. Юсупов А. Икромовнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида доклад қилди. Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар лениниа миллий сиёсатни, индустриалштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш планларини амалга оширишга, совет пахтачилигини, маданий қурилиш программасини ривожлантиришга А. Икромов катта ҳисса қўшганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

(Боши биринчи бетда).

Ўйлайманки, кенгашимиз камида учта муҳим масалага равшан жавоб берди.

Биринчидан, биз яшаб турган даврнинг моҳияти тўғрисида. Халқаро вазият биргаликда чуқур анализ қилинганлигини, унинг ижобий ва салбий жиҳатларига, энг муҳим тенденцияларга баҳо берилганлигини назарда тутаман. Биз кескинликни юмшатишга қарши чиқувчи турли кучлар активлашиб бораётганига қарамай, асло умидсизликка тушмаймиз. Дунёдаги сиёсий иқлимни соғломлаштиришда олға силжиш имкониятлари бор. Бўлганда ҳам анча салмоқли.

Биз нима қилиш кераклигини ҳам биргаликда айтдик. Халқаро хавфсизликни қуролланиш пойраси негизига эмас, балки қуролсизланиш негизига қуриш, барча давлатлар ва халқларнинг суверен ҳуқуқларини оғизда эмас, балки амалда қатъий ҳурмат қилишга эришиш — бош вазифадир. Ана шунда Европа қитъасида ҳам, шунингдек халқаро миқёсда ҳам тинч ҳамкорликнинг янги уфқлари очилади ва тинчлик иморати мустаҳкам тураверади.

Ниҳоят бизнинг кенгашимиз ана шу мақсадларга қай йўлдан бориш керак, деган саволга жавоб берди. Бирбиримиз билан баҳамжиҳатликни мустаҳкамлаб, биргаликда олға боришимиз керак; халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашчилар билан ҳамиша бирдам бўлишимиз лозим; планетамиз осмони ҳамиша тинч бўлишини; одамлар эса бахтиёр яшашни хоҳловчи барча кишилар билан ўз куч-ғайратимизни бирлаштирайлик.

Жаҳон социалистик системаси ҳаётининг бутун тажрибаси ўртамиздаги бирлик ҳар бир социалистик мамлакатнинг миллий манфаатларига хизмат қилишига, социализм халқаро позицияларининг мустаҳкамланишига ҳал қилувчи даражада ёрдам беришига ишончимизни кучайтиради.

Биз қардош партиялар ва мамлакатларнинг раҳбарларини, жанговар сафдошларимизни Москвада мамнуният билан қабул этдик. Ҳар бир ана шундай учрашув салмоқли ва фойдали воқеадир. Сиёсатимиз учун муҳим ва зарур хулосалар чиқариш имконини берган бу галги кенгашимиз ҳам ўзига хос шонли воқеа бўлди.

Азиз дўстлар, сизларга ҳамма ишларингизда янгидан-янги катта муваффақиятлар тилайман.

Ўртоқ Л. И. Брежнев қардош социалистик мамлакатларнинг дўстлиги, бузилмас бирдамлиги учун, содиқ ва синалган дўстларимизнинг сиҳат-саломатлиги учун, тинчлик ва коммунизм учун қадаҳ кўтаришни таклиф этди.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг делегациялари номидан **ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер** жавоб нутқи сўзлади. У бундай деди:

Биз ўз кенгашимизда қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун, қуролсизланишга доир самарали тадбирларни ўтказиш учун, кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш учун бундан буёнги кураш хусусидаги позицияларимизни келишиб олдик. Жаҳон социализмининг пойтахти — Москвадан барча давлатлар ва халқларга қарата айтилган мустаҳкам тинчликни сақлаш ва таъминлаш учун курашда кучғайратни аямаслик тўғрисидаги даъват яна бир бор янгради.

Ҳозирги халқаро вазият шароитида халқлар биздан: хўш, энди нима бўлади? — деган саволга жавоб беришимизни умид қилишга ҳақлидирлар. Бизнинг Декларациямиз бу саволга аниқ ва равшан жавоб беради: Декларация катта халқаро сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир. У халқларнинг СССР ва бутун социалистик ҳамдўстлик сиёсатига билдираётган ишончини оқлайди, у тинчлик, хавфсизлик ва кескинликни юмшатиш учун курашга янги омиллар беради.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев, Сизнинг кенгашдаги нутқингиз ленинча руҳ билан суғорилган бўлди, тинчлик ва тараққиёт учун кураш масалалари хусусида сиз чиқарган хулосалар инсониятнинг манфаатларига мос бўлиб тушади.

Кенгаш якунида биз мамлакатларимиз социализм, коммунизм қурилиши ишида янги муваффақиятларга эришаётганликларини ва ўзларининг қардошларча ҳамкорлигини чуқурлаштираётганликларини қайд эта оламиз. Социалистик ҳамдўстликнинг қудрати тинчликни империализмнинг ҳар қандай хуружларидан ҳимоя қилишга тайёр бўлиб турган ва тинчликни таъминлаш учун куч-қувватини аямаётган ҳамма кишиларга зўр сафарбар этувчилик кучини бахш этмоқда. Бизнинг мақсадимиз тинчлик халқлар турмушининг табиий, одатий шакли бўлиб қолишига эришишдан иборат.

Совет дўстларимизнинг меҳмондўстлиги учун ва уларнинг кенгаш ишини муваффақиятли ўтказишни таъминлашга қўшган катта ҳиссаси учун уларга барча делегациялар номидан чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этишимга ижозат бергайсизлар, биз Советлар мамлакатининг барча коммунистларига қардошлик саломи йўллаймиз ва шонли совет халқига коммунизм қурилиши ишида янги муваффақиятлар тилаймиз.

Ўртоқ Э. Хонеккер Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитети, СССР Олий Совети учун, дўст ва ўртоқ Леонид Ильич Брежнев учун, социалистик ҳамдўстлик партиялари, давлатлари ва халқларининг бирлиги ҳамда жипслиги учун, тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги курашда янги муваффақиятлар учун қадаҳ кўтарди.

Л. И. Брежнев ва Э. Хонеккер ўртоқларнинг нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона, самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ

Урганчда Хоразм область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» китобида баён этилган қоидалар асосида ташкилотчилик ва идеология ишининг услуб ва методларинқ янада такомиллаштириш соҳасида область партия ташкилоти олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов шу ҳақда доклад қилди.

Пленумда область партия ташкилотининг навбатдаги конференциясини чақириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. XIX партия конференциясини 1979 йил 19 январда ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

* * *

БУХОРО, 24 ноябрь. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида тарбиявий ишга комплекс ёндашишни амалга ошириш соҳасида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг биринчи секретари А. Каримов докладини муҳокама қилдилар.

Пленум навбатдаги область партия конференциясини чақириш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди. XIX партия конференциясини 1979 йил 26—27 январь кунлари ўтказишга қарор қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун Қашқадарё область сил касаллигига қарши «Паландара» болалар санаторийсининг бош врачи Лютфи Мевлюдович **Измайлова** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика прокуратураси органларида узоқ йил, самарали ишлаганлиги ҳамда социалистик қонунчилиқни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Қорақалпоғистон АССР прокурорининг ўринбосари Раҳмон **Мирзаҳмедова** «Ўзбекистон ССР»да хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми прокуратура органларида узоқ йил, самарали ишлаганлиги ҳамда социалистик қонунчилиқни мустаҳкамлаш ишидаги хизматлари учун Фарғона область прокурори **Абдуқодир Каримбердиева** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юрист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми катта ташкилотчилик ишлари, Ўзбекистонда ва Ўрта Осиёда енгил саноат объектларини лойиҳалашда ва Ўрта Осиёда қатнашганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан пахтани ва янги луб экинларини дастлабки қайта ишлаш корхоналарини лойиҳалаш 4-давлат институтининг директори **Аҳмаджон Нурматович Нурматовни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БХРНИНГ ЮБИЛЕЙ МЕДАЛЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларига, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатларга, КПСС Марказий Комитети секретарларига «Болгариянинг усмонийлар асоратидан озод этилганлигининг 100 йиллиги. 1878—1978» юбилей медалларини топширди.

КПСС ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари мукофотлар учун Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетига, БХР Давлат Кенгашига, болгар халқига ташаккур изҳор этдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

Леонид Ильич Брежневнинг эсдаликлари, шу жумладан «Қўриқ» китоби совет адиблари учун ёрқин публицистика намунаси бўлиб хизмат қилади. Бу китоб мамлакат қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисидаги, уларнинг буюк жасорати ҳақидаги адабиётга қўшилган катта ҳисса бўлди. Бу асар қишлоқ ҳаётидаги ижтимоий-ахлоқий проблемаларни ишлаб чиқишга, қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг қаҳрамонлигини ёритишга қандай ёндашиш кераклигини ўргатади. Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг 24 ноябрь куни бўлиб ўтган пленумида ана шулар ҳақида гапирилди. Республика Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Яшин доклад қилди.

(ЎзТАГ).

БИРДАМЛИК ҲАФТАЛИГИ

23 ноябрь куни Совет Иттифоқида Эфиопия революцияси билан бирдамлик ҳафталиги бошланди. Ҳафталик шу йил сентябрда Аддис-Абебада бўлиб ўтган Африка ва араб халқларининг империализм ва реакцияга қарши кураши билан халқаро бирдамлик конференциясининг қарорига биноан ўтказилмоқда.

Шу кунларда Эфиопиядаги революция ғалабасига, мамлакат олдида турган тинч қурилишнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган митинглар ва йиғилишлар, учрашувлар ва дўстлик кечалари ўтказилади, фотовиставкалар ташкил этилади.

Эфиопия мустақиллигини ҳамиша қатъий ва актив ҳимоя қилаётган совет кишилари эксплуатация ва зулмдан ҳоли жамият қуриш учун, мамлакатнинг бирлиги ва территориал бутунлиги учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашаётган халқ билан самимий дўстлик ҳис-туйғуларини билдирадилар.

(ТАСС).

ҚИШЛОҚ САВДОСИНИНГ РЕЗЕРВЛАРИ

23 ноябрь куни Тошкентда иттифоқдош республикалар матлубот кооперациялари раҳбарларининг семинар-кенгаши ўз ишини тамомлади. Семинар-кенгаш иштирокчилари — республика матлубот жамиятлари раҳбарларининг раислари тўрт кун давомида савдо-сотиқни, умумий овқатланишни такомиллаштириш, «Ўзбекбирлашув»нинг қишлоқ меҳнатчиларига хизмат кўрсатиш илғор форма ва методларини жорий этиш тажрибасини ўргандилар. Улар Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд областлари матлуботчиларининг фаолияти билан танишдилар.

Ўзбекистонда йирик савдо комплекслари барпо этиш соҳасида тутилган йўл учрашув иштирокчиларининг алоҳида эътиборини ўзига жалб қилди. Ўтган йилнинг ўзидагина 45 минг квадрат метр майдонни эгаллаган янги магазинлар, 8 минг ўринли умумий овқатланиш корхоналари, омборхоналар, сабзавот ва мева асраладиган жойлар ишга туширилди. Қардош республикалардан келган кооператорлар районлардаги замонавий савдо марказларини, универсал магазинларни, ихтисослаштирилган магазинларни кўздан кечирдилар.

«Ўзбекбирлашув» системасида кейинги йилларда янги йирик тармоқ — молларни сўқимга боқадиган ва парранда етиштирадиган тармоқ вужудга келди. Семинар давомида унинг иштирокчилари Калинин ва Қува районлари матлубот жамиятларининг бўрдоқичилик фермалари иш методларини ўргандилар. Республиканинг барча районларида ана шундай чорвачилик корхоналари барпо этилган, бу ерларда ошхоналар учун, ресторанлар ва аҳолига сотиш учун 50 минг тонна гўшт етиштириш мўлжалланмоқда. Меҳмонлар, шунингдек, барча областларда ва Қорақалпоғистон АССРда қурилиш ишларининг ташкил этилиши билан ҳам танишдилар. Бу областлар ва автоном республикада матлубот кооперацияси объектларини барпо этиш учун ўн тўртта механизациялашган кўчма колонна тузилган. Ўзбекистон матлуботчилари фаолиятининг жиҳатлари: қишлоқ магазинларида ўз-ўзига хизмат қилишнинг жорий этилиши, районлараро базаларнинг вужудга келтирилиши, савдо объектларининг ихтисослаштирилиши ҳам ўрганилди.

«Ўзбекбирлашув» иши тўғрисида правление раиси М. Ҳ. Ҳасанов якунловчи семинарда доклад қилди. Шундан кейин семинар-кенгаш иштирокчиларининг нутқлари тингланди. «Центросоюз» раиси А. А. Смирнов семинарни якунлар экан, КПСС XXV съезди қарорлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар асосида Ўзбекистон кооператорлари амалга оширган натижаларини семинар иштирокчилари билиб олганликларини таъкидлаб ўтди. Республикада замонавий савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг кенг шохобчаси барпо этилган, районлараро омборхоналарнинг ташкил қилинганлиги, бўрдоқичилик фермаларининг вужудга келтирилганлиги диққатга сазовордир. Республика матлубот кооперацияси ходимларининг сафи кейинги йилларда тобора кўпроқ ёшлар, асосан қизлар билан тўлдирилаётганлиги, улар учун савдони ташкил қилишнинг илғор усулларини жорий этиш учун барча шароит яратиб берилаётганлиги ижобий ҳолдир. Ўзбекистонда тўпланган қимматли тажриба РСФСР, Украина, Белоруссия ва бошқа иттифоқдош республикаларнинг кооператорлари учун ҳам фойдалидир.

(ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

20—22 ноябрь кунлари Москвада СССР Қуролли Кучлари идеология ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вице-адмирал А. И. Сорокининг докладини тингладилар ва муҳокама қилдилар.

Кенгашда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Н. И. Савинкин иштирок этди.

(ТАСС).

ИРОҚДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАРНИНГ МОСКВАДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 22 ноябрь куни Ироқ Республикасининг мудофаа министри, авиация генерал-полковниги А. Хейраллни ва унинг ҳамроҳларини қабул қилди. Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан дўстона суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбатда Ироқ Республикасининг элчиси Муртада Саид Абдил Боқи ҳозир бўлди.

Меҳмонлар В. И. Ленин мавзолейини зиёрат қилиб, гулчамбар қўйдилар. Кремль devори ёнидаги номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

(ТАСС).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон енгил саноат меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини бажарди, ўн бир ойлик планни муддатидан илгари адо этдилар. Мақсулот реализация қилиш программаси 22 ноябрда бажарилди. (ЎзТАГ).

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ЯХШИ ДАМ — МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Ўрта Осиё темир йўли касаба союз комитети темирйўлчилар ва транспорт қурувчиларининг дам олишини тўғри ташкил этишга катта аҳамият бермоқда. Темир йўл бўлими ўз дам олиш ва пансионат тармоғига эга. Фарғона водийсида «Чимён» пансионати, минерал сувлар шифохонаси темирйўлчиларнинг турли касалликлардан даволанишларига хизмат қилмоқда. Орол Денгизи қирғоғидаги пансионат, Ашхобод яқинидаги ва Чарвоқ сув омбори зонасидаги дам олиш базалари жуда кўплаб даволанувчиларга манзур бўлмоқда.

Социал страхование йўли билан ишчи ва хизматчиларни санаторий-курортларда даволаш мақсадларига ажратилаётган маблағлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу йил шу мақсадлар учун 772,5 минг сўм ажратилган. Санаторийларда 2670 киши, дам олиш уйларида 2421 киши хордиқ ёзиши, туристик йўлланмалар билан 1870 киши савҳатга чиқиши кўзда тутилган. Темир йўл бўлимида парҳез таомлар ошхоналарининг тармоғи кенгайиб бормоқда. Учта санаторий-профилакторий замонавий даволаш ва диагностика аппаратлари билан жиҳозланган.

Темирйўлчилар бу йил ҳам нўпгина социалистик мамлакатларга саёҳатга чиқадилар. Болгария ва Польша, Чехословакия ва Венгрия, бошқа қардош мамлакатларда 200 га яқин темирйўлчи туристик путёвка билан дам олиб қайтади.

ТАРБИЯ МАКТАБИ

Меҳнат коллективларининг ҳаётида ишчи йиғилишлари роли нинг баҳоси миқёсиз. Бу йиғилишлар меҳнатчиларнинг ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб бориш, уларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг муҳим воситасидир. Электростанциялар ва электротехника саноати ишчи-хизматчилари касаба союзи республика комитетининг президиуми Бухоро электр тармоқлари корхонаси ва Навоий ГРЭСида ишчи йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш, уларнинг самарадорлигини ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларни муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда ана шу касаба союз комитетларида ишчи йиғилишларини узлуксиз ўтказиш, уларда ишчилар ва хизматчиларнинг активлигини таъминлаш соҳасида самарали иш олиб бораётганлиги таъкидланди. Касаба союз активи, мастерлар, бригадирлар ва доимий комиссияларнинг аъзолари ишчи йиғилишларини тайёрлашда фаол қатнашаётирлар.

Буларнинг ҳаммаси меҳнатчиларнинг активлигини кучайтирмоқда, иқтисод ва тенгҳамқорлик учун кураш кенг қанот ёйишига хизмат қилмоқда. Чунончи, Навоий ГРЭСи коллективи шу йилнинг 8 ойи мобайнида белгили 5,5 минг тонна шартли ёқилғи тежади. Бухоро электр тармоқлари корхонасида эса 5,5 минг сўм маблағни тежаш имконини берган ташкилий-техникавий тадбирлар амалга оширилди.

ТАЖРИБА АЛМАШДИЛАР

Кеча Тошкентда Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР сабзавот савдоси раҳбар ҳодимларининг зонал-тажриба семинари ўз ишини тугатди. Семинар қатнашчилари мева-сабзавот моддий-техника базасини такомиллаштириш, уни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва картошка, мева-сабзавот савдосини уюштириш бўйича илғор тажрибаларни алмашдилар.

СССР Савдо министрлиги ва Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган бу семинар 3 кун давом этди.

СССР Савдо министрлиги картошка ва мева-сабзавот савдоси бошқармаси бошлиғи П. И. Погорелов КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорлари асосида Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССР савдо ташкилотларининг мева-сабзавот савдосини яхшилаш ва картошка, сабзавот ва ҳўл мева сифатли сақланишини таъминлаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида, Ўзбекистон ССР савдо министри Ғ. Ғ. Юсупов Ўзбекистонда давлат мева-сабзавот савдоси тараққиёти ҳақида, «Гипроторг» институтининг Ўрта Осиё филиали директори И. М. Бозин Ўрта Осиё, Закавказье республикалари ва Қозоғистон ССРда мева-сабзавот корхоналарини лойиҳалаштиришнинг хусусиятлари тўғрисида доклад қилдилар.

Шунингдек, семинар қатнашчилари Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Грузия ССР Савдо министрликлари, Грузия ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги аграр-саноат бирлашмаси мутахассисларининг картошка, сабзавот ва меваларни сақлаш, қайта ишлаш ҳамда савдосини уюштиришнинг илғор усулларини ўзлаштириш, жойларда картошка ва сабзавотларни қабул қилиб олиш соҳасидаги тажрибаларини ўрганишдилар.

Оламда нима гап

ОЛИСДАГИ ҒОЗИОБОДЛИК ДЎСТЛАР

ҒОЗИОБОД, 23 ноябрь. (ТАСС). Ғозиобод — Ҳиндистон миқёсида кичик шаҳар, деб ҳисобланади. Аммо Ҳиндистон—Совет маданий алоқалар жамиятининг маҳаллий бўлими Уттар-Прадеш штатидан бошқа жойларга ҳам маълум. Жамиятнинг маҳаллий бўлими ҳар икки мамлакат ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш соҳасида актив иш олиб борганлиги учун яқинда Ҳиндистон—Совет маданий алоқалар жамияти миллий кенгашининг фахрий дипломи билан мукофотланди.

Жамият Ғозиобод округи бўлимининг бош секретари Р. Т. Гупта ҳикоя қилади: жамият активлари доим кўпайиб боряпти. Биз кейинги вақтларгача Моднагуар, Дадри, Пилакуада ва бошқа саноат марказларида янги филиалларни ташкил этдик. Жамиятга коллектив бўлиб кириш тобора ошмоқда. Завод ва фабрикаларнинг коллективлари, мактаб ўқувчилари Ҳиндистон—Совет маданий алоқалар жамиятига аъзо бўлиб кирмоқдалар.

Ҳиндистон—Совет маданий алоқалар жамияти Ғозиобод округ бўлимининг раиси, Ҳиндистондаги ҳукмрон Жаната парти округ бўлими президентининг ўринбосари Сатья Дев Шастри бундай деди: Л. И. Брежнев эсдаликлари — «Кичик ер» ва «Тикланиш» китобларининг Ҳиндистондаги турли тилларда нашр этилишига бағишлаб китобхонлар конференцияларининг ўтказилиши ноябрь ойидаги энг ажойиб воқеаларнинг биридир.

Ҳозирги вақтда округда Улуғ Октябрнинг 61 йиллиги ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистонга қилган визитининг беш йиллигига бағишланган кенг кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Неча ўн минглаб ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, турли партиялар, хотин-қизлар, касаба союзлари ва ёшлар ташкилотларининг вакиллари митингларда қатнашмоқдалар. Нотиқлар СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши муносабатлар бутун жаҳонда тинчлик иши учун муҳим эканлигини, Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик жуда катта аҳамиятга молик эканлигини якдиллик билан таъкидламоқдалар. Ғозиободликлар буни яхши биладилар. Ғозиободдаги «Харша» заводи совет корхоналари билан ҳамкорликда совет лицензияси бўйича «Т-25А» маркали тракторларни ишлаб чиқармоқда. Ҳиндистонда бу тракторлар ҳаммага манзур бўлди.

И. КОЛГАНОВ.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

◎ «МАГИОН» РАДИОАЛОҚА ЗОНАСИГА ЧИҚДИ

Шимолий Чехиянинг Панска Вес посёлкасидаги обсерватория иш залларида шу кунларда қизғин «космик ишлар» давом этмоқда. Прагадаги геофизика институтидан келган ҳамкасблари билан бирга олимлар коллективи Чехословакиянинг биринчи сунъий йўлдоши «Магион»дан берилаётган маълумотларни кеча-кундуз қабул қилмоқда ва ишлаб чиқмоқда.

«Магион» «Интеркосмос-18»дан ажралиб мустақил орбитага чиққан 14 ноябрь кунидан бери обсерваторияда ҳаёт махсус жадвал асосида бормоқда. Ҳар куни таблода сигналлар тўрт марта яқиндамоқда. Бу эса «Магион»нинг обсерватория билан радиоалоқа зонасига кирганлигини билдиради. Планетамизнинг ионосфераси ва магнитосферасининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар махсус магнитофонлар ва датчиклар орқали қабул қилинмоқда. Олинаётган маълумотлар бу ерда ўрнатилган электрон ҳисоблаш машинасида ишлаб чиқилмоқда, шунингдек Учишни бошқариш марказига ва СССРдаги телеметрик станцияларга берилмоқда.

◎ СИҲАТ-САЛОМАТЛИК — ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Софияда пойтахтнинг «Захарна фабрика» индустриал районининг 80 мингдан ортиқ аҳолисига хизмат кўрсатувчи катта поликлиника қурилишининг лойиҳаси тузилди. Поликлиникада ихтисослаштирилган кабинетлар, катта операция комплекси, даволаниш бўлими бор. Мониторлар системаси врачларнинг беморлар ҳолатини доимо назорат қилиб туришини, турли бўғиқлар ўртасида оператив алоқа ўрнатилишини таъминлайди.

Болгария пойтахтида соғлиқни сақлашнинг моддий базаси борган сари кенгаймоқда. Бу ерда ҳар йили йирик медицина муассасалари ишга туширилмоқда, мавжудлари кенгайтирилмоқда ва қайта жиҳозланмоқда. Кейинги вақтларда шаҳарда юрак томир хирургияси клиникаси ва медицина академияси ҳузурида стоматология маркази, акушерлик-гинекология клиникаси, бир қанча профилакторийлар қурилди, касб касалликлари учун катта клиника барпо этилмоқда.

◎ ОЛИМЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Вьетнам пойтахтида мамлакат экономикасини ривожлантиришда илмий усуллардан фойдаланиш масалалари юзасидан биринчи миллий конференция бўлиб ўтди. ВСР давлат план комитети уюштирган шу катта анжуманда фан ва техника давлат комитети, фан давлат институти, турли министрликлар ва мамлакат илмий ташкилотлари вакилларидан иборат икки юздан ортиқ етакчи олимлар ва мутахассислар иштирок этдилар.

Конференцияда қилинган 40 дан ортиқ докладларда иқтисодий статистика, планлаштириш, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автомат системасини яратиш, илмий ахборотни тарқатишга доир ҳар хил проблемалар тилга олинди. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги 20 га яқин олимлар коллективи шу проблемалар устида иш олиб бормоқда. Конференциянинг якунлари республика халқ хўжалигида фан-техника ютуқларини муваффақиятли қўллашига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

(ТАСС).

Эрон пойтахтида ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ҳукуматга қарши намойишлар тўхтамаётир. Қўшинлар ва полиция бу намойишларни тарқатаётиб қурол ишлатмоқдалар.

Суратда: Теҳрон кўчалари ҳукуматга қарши намойишлар вақтида.

ЮПИ—ТАСС телефотоси.

ПЕКИННИНГ ГЕГЕМОНЧИЛИК МАҚСАДЛАРИ

Вьетнам Компартияси Марказий Комитетининг органи «Нян зан» газетаси Пекиннинг сиёсати кескин танқид қилинган кенг шарҳларини босиб чиқарди.

«Пекин ҳукмрон доиралари, деб ёзади газета, кейинги вақтларда Вьетнамга нисбатан душманлик сиёсатини ҳеч қачон кўрилмаган даражада кучайтириб юборишдилар. Улар мамлакатимизга қарши ашаддий кампаниянинг кенгайтириб, қабиҳ ва дағал иборалар ҳамда ифвогарликдан фойдаланмоқдалар. Пекин раҳбарлари империалистик кучлар билан иттифоқни мустаҳкамламоқдалар, революцион ва тараққийпарвар кучларга қарши реакцион кучлар билан тил бириктирмоқдалар, Америка-Япония хавфсизлик шартномасини, НАТО блокини очиқдан-очиқ қўллаб-қувватламоқдалар, АҚШ ва унинг иттифоқчилари нейтрон бомба билан таъминланишини рағбатлантирмоқдалар, Ғарб мамлакатларидан қуроллар талаб этмоқдалар. Шундай бир шароитда улар бутун жаҳон бўйлаб сафар қилиб, Совет Иттифоқи ва Вьетнамнинг «буюк гегемонизми» ва «кичик гегемонизми» тўғрисида жар солиб ўзининг ўтакетган гегемонизми моҳиятини яширишга уринмоқдалар».

Пекин ҳукмрон доиралари пропаганда кампаниясининг бутун тиғи, деб таъкидлайди «Нян зан» газетаси, ёндликда дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Вьетнам—Совет шартномасининг маъноси ва мазмунини бузиб талқин қилишга қаратилган. Улар бу шартномани «Хитойга қарши» қаратилган ва «Жануби-Шарқий Осиёда гегемонизмни вужудга келтириш»ни кўзда тутган «ҳарбий иттифоқ», деб атайдилар, ана шу шартнома «бошқа мамлакатларга агрессия хавфи»ни тугдиради, деб ҳисоблайдилар.

«Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Вьетнам—Совет шартномаси, — деб таъкидлайди газета, — икки революцион давлат ўртасидаги, икки социалистик мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг табиий ривожидир. Турли ижтимоий тузумдаги мамлакатлар ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрната олар экан, муштарак социалистик тузумга мансуб мамлакатлар нима учун ўзаро худди шундай муносабатларни ўрнатишларн мумкин эмас? Дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик — социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида социалистик интернационализм, ҳуқуқий тенглик, мустақиллик, суверенитетни ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, социализм ва коммунизмни муваффақиятли равишда қуриш сари биргаликда олға ҳаракат қилиб боришда ўзаро ёрдамлашиш принципларига асосланган муносабатлар табиий ҳодисадир».

Газета ўз шарҳларида қуйидагиларни ёзади: кун билан тун бир-биридан нечоғлик фарқ қилса, социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги билан империалистларнинг иттифоқи ўртасида ҳам шундай катта тафовут бор. Социалистик мамлакатлар агрессия қилмайдилар, аммо улар бир-бирларининг хавфсизлигини таъминлашлари керак. Уларнинг ҳар бир мамлакат хавфсизлигини таъминлашда берадиган ёрдами — табиий бир ҳолдир. Вьетнам—Совет шартномасида бу шартнома учинчи мамлакатга қарши қаратилмаган, деб очиқ-равшан айтилган. Бу шартнома икки социалистик давлат ўртасидаги бегубор ва адолатли муносабатларни намойиш қилади.

Пекин раҳбарлари шартномага нафрат кўзи билан қараётганлигининг боиси шуки, улар социалистик мамлакатларга ва миллий мустақиллик йўлидаги ҳаракатга нисбатан душманлик сиёсатини ўтказмоқдалар, буюк давлатчилик гегемонизмини орзу қилмоқдалар. Вьетнамга тазйиқ кўрсатиш ва уни босиб олиш — бу гегемонизмнинг муқаддимасидир, деб ёзади газета.

«Бизнинг халқимиз, — деб уқтириб ўтади «Нян зан» газетаси, — Хитойдаги ҳукмрон доираларнинг Вьетнамга қарши жуда хатарли душманлик хатти-ҳаракатлари ва ниятларини жаҳон жамоатчилиги олдида фош қилиб ташлайди. Улар мамлакатимизга қарши душманлик сиёсати ва хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришлари керак. Хитойнинг ҳукмрон доиралари бундан буён ҳам катта мамлакатнинг зўравонлик қилиш позициясига амал қилиб, бошқаларга сурбетларча таҳдид қилаверар экан, улар бутун Вьетнам халқининг пўлатдек мустаҳкам жипслигига муқаррар дуч келадилар, жаҳон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари халқларининг норозилигига ва қаттиқ қоралашига ҳамда Хитой халқининг ҳам норозилигига дуч келадилар».

(ТАСС).

БУТУН КУЧ — МАРРАНИ ЭГАЛЛАШГА!

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

● Сизларнинг жасоратингиз, қаҳрамонлигингизга ҳамма қойил қоляпти. Об-ҳаво қийинчиликларини енгиб, граммлардан бунёдга келтираётган «оқ олтин» хирмонингиз тобора юксаляпти. Яна бир астойдил ҳаракат қилсангиз, юксак маррани эгаллаб, номингизни шон-шуҳратларга буркайсиз.

● Пайкаллардаги сизга муштоқ дурдонани тез ва сира исроф қилмай йиғиб-териб олинг, ҳар қандай шароитда ҳам суръатни кучайтиринг. Имконият бўлиши билан кўсак узадиган агрегатларни пайкалларга киритиб, унумли ишлатинг! Кўсак чувиш механизмлари иш унумини оширинг! Чаноқлардагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб. Теримни авж олдириб, хирмонга қут-барака киритинг. Ҳосил тақдирини об-ҳаво эмас, пешона тери тўкиб қилинган меҳнат ҳал қилади.

● Азамат ёрдамчилар! Самарали кўмагингизга халқимиз таҳсинлар айтмоқда, сизлардан янги жасоратлар кутмоқда. Бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишланг, пайкаллардаги пахта, кўсакларни зудлик билан йиғиб-териб олишда меҳнатингизни аяманг! Ҳамма теримга!

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Боғот районидаги «Коммуна» колхозининг илғор механик-ҳайдовчиси Сафарбой Худоёров механизаторлар мусобақасида ҳамиша ғолиблик қилди. Шу туфайли у бир неча бор колхознинг кўчма Қизил байроғини олишга сазовор бўлди. У улкан хирмонга 300 тоннадан зиёд дурдона тўкди. Суратда: моҳир механизатор С. Худоёров.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

Пахтакор, сени шарафлаймиз!

ИФТИХОР

Диққатла радио тинглаймиз
ҳар кун,
Зангори экранга қадаймиз
нигоҳ.
Тонгданоқ чопамиз газета
учун,
Пахта планидан бўлмоқ-
чун огоҳ.
Трамвай, автобус гоҳи
метрода
Пахтага тақалмай ўтмагай
суҳбат.
Жам бўлиб қолдими
уч-тўртта одам,
Пахта суръатидан гап
кетар албат.
Рақамлар юксалса, вақтимиз
ҳам чоқ
Кўзимиз чақнайди қувончга
тўлиб.
Теримлар сусайса тушар
қош-қовоқ
Ўтади ўша кун бўлиб
хуноброқ.
Келгани чоғида ҳар гал куз
фасли
Пахтакор сингари тўлганар
юрак.

Азалдан шаҳарлик бўлсак
ҳам асли
Хаёл дала кезар бўлиб
жонсарак.
Самода кўринса бир парча
булут,
Бус-бутун осмонда сузгандай
бўлар.
Тўйилиб мисоли вазнсиз бир
бургут
Қуёшнинг жамолин тўсгандай
бўлар.
Нафасин иссиқроқ қилинг
деб ҳар гал,
Метеостанцияларга тутамиз
қулоқ.
Ҳаво паст келар деб
эшитган маҳал
Дегаймиз — айтганинг
келсин терс ўртоқ!
Ҳа шундай, описдан келса
дўст, меҳмон,
Дардимиз фаҳм этиб,
пахтадан сўрар.
Жадаллаб юксакка ўрласа
хирмон,
Биз билан теппа-тенг
қувнашиб юрар.

Ранг кўр-у ҳол сўргил деган
ҳикмат бор,
Куздаги таъбимиз теримга
боғлиқ.
Ишчи ҳам хизматчи, ҳатто
санъаткор
Пахтакор сингари бугун
қишлоқлик.
Хирмонга барака! —
Суйган сўзимиз,
Дил хижил гар чиқмай
қолсак хашарга.
Пахтакор сингари сезиб
ўзимиз,
Сиғмасдан қоламиз бу кенг
шаҳарга.
Пахтакор бўлмаслик
мумкиндир бироқ
Пахтани қадрлай билмаслик
гуноҳ.
Ифтихор теримда ҳиссадор
бўлмоқ
Ушанда виждоннинг олдида
юз оқ!

Зоҳиджон ОБИДОВ.

ДАҚИҚАЛАР ҲИСОБДА

БУХОРО ОБЛАСТЬ РОМИТАН РАЙОНИДАГИ «РОМИТАН» СОВХОЗИНИНГ ДАЛАДАГИ ҲОСИЛНИ ОХИРГИ ГРАММИГАЧА ТЕЗКОРЛИК БИЛАН ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН ТАДБИРЛАРИ

Совхоз давлатга пахта сотиш халқ хўжалик плани ва юксак социалистик мажбуриятини муддатидан илгари шараф билан бажарди. Пахтанинг ҳаммаси юқори сортларга топширилди. Азамат механизаторлар қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар, хирмонга уюлган пахтанинг асосий қисми «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Лекин далаларда ҳали териб олинмаган ҳосил кўп. Фурсат эса ўтиб боряпти. Бунинг устига кейинги кунларда бўлиб ўтган ёғингарчилик пахтакорларни анча ташвишга солиб қўйди. Совхоз маъмурияти ва партия комитети вазиятни ҳисобга олиб, ҳосилни охирги мисқолигача тезкорлик билан йиғиб-териб олиш, қўшимча мажбуриятни ҳам шараф билан бажаришга қаратилган тадбирлар белгилаб, изчиллик билан амалга оширмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаати бу борада пахтакорларга жанговар программа бўлди.

Белгиланган тадбирларда жумладан бундай дейилади: далалардаги ҳосилнинг ҳаммасини охирги граммларигача узоғи билан 1 декабргача тўла йиғиб-териб оламиз, бир мисқол ҳам дурдонанинг нобуд бўлишига йўл қўймаймиз. Шу мақсадда барча техника воситалари, ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этамиз. Ҳалол меҳнат билан яратган «оқ олтин»имизнинг қор, ёмғир остида қолишига сира йўл қўймаймиз. Кўрак узадиган механизмлар сонини яна учтага кўпайтириб, ҳаммасининг кеча-кундуз ишлатилишини таъминлаймиз. Айни кезда кўсак чувийдиган агрегатларни ҳам тўла қувват билан ишлатамиз.

Кейинги кунларда ёғингарчилик юз бериши туфайли терим машиналари айрим кунларда бекор туриб қолди. Совуқ бўлиши оқибатида эса кўсаклар ёппасига очилди. Механизаторларимиз вазиятни ҳисобга олиб иш тутмоқдалар. Имконият бўлиши билан машиналар, кўсак узиш механизмлари пайкалларга киритилмоқда, кўсакни кўпроқ узиш, қатор ораларига тўкилган пахтани тола терib олишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар бир механик-ҳайдовчи, тўкилган пахтани териш, кўсак узиш агрегатларини бошқарувчилар учун кунлик, беш кунлик нормалар белгиланди, унинг ижроси текшириб борилянти.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан совхозимизда теримчиларни қариб 300 кишига кўпайтирдик, посёлка аҳолиси, мактаб ўқувчилари ва бошқа ёрдамчилар теримда актив қатнашмоқдалар. Уларнинг ҳар бирига ҳам конкрет топшириқлар берилди. Илғор теримчиларимиз мавсум охиригача яна 400 — 500 килограммдан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Теримни конвейер усулида ташкил қилмоқдамиз. Машиналар, механизм-агрегатлар пайкалларга сўнгги марта киритилмоқда ва ҳосил охирги граммларигача йиғиштириб олинмоқда. Кўсак вақтида агрегатларда чувилиб, пахтаси тайёрлов пунктига жўнатилмоқда. Пахта батамом йиғиб олинган ерларни сифатли шудгорлаб, келаси йил мўл ҳосилига мустаҳкам замин яратамиз.

Сўнгги ҳужумда илғорликни таъминлаётган бўлимлар, бригадаларни мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари таъсис этдик. Шунингдек, илғор теримчилар, механизаторлар, ёрдамчилар ҳам хизматларига яраша рағбатлантирилмоқда. Совхоз партия комитети пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни кучайтирмоқда

Даладаги ҳосилни узоғи билан 1 декабргача батамом йиғиб-териб оламиз ва давлатга қўшимча пахта топшириш юзасидан қабул қилган иккинчи социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз!

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхозининг механик-ҳайдовчиси Матлуба Ғафурованинг номи илғорлар қаторида тилга олинадиган бўлди. У бу шарафга ўз агрегати билан 200 тоннадан зиёд пахта териш туфайли эришди. Суратда: илғор механизатор М. Ғафурова.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

МУРОЖААТ — АМАЛИЙ ИШ ПРОГРАММАМИЗ

ЗАРБДОРЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ

Бригадир бўлиб ишлаётганимга 20 йилдан ошяпти. Шу даврда 5 та қолоқ бригадага ўтиб етакчилик қилишга тўғри келди. Масалан, 1977 йилда колхознинг 2-бригадасига бошчилик қилдим. Ҳосилдорлик гектар бошига олдинги йилдаги 39 центнердан 45 центнерга кўтарилди. Зарбдор йилда эса янги иш жойим — 4-бригадада 60 центнер учун кураш бошладик.

Мўл ҳосил учун курашнинг ўзи бўлмайди. Осонликча пахта етиштирганимизни эслай олмайман. Бу ҳақда ўйга толган дамларимда ҳаммамиз учун қадрдон бўлган Леонид Ильич Брежневнинг, «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади, деган юксак баҳоси хаёлимдан нари кетмайди. Чиндан ҳам пахтакорларнинг меҳнати қадрланаётгани кишини тўлқинлантиради.

Самарадорлик ва сифат беш йиллигининг учинчи йили ҳам деҳқонларимизни катта синовдан ўтказяпти.

Давлатга 80 гектар майдондан фақат аъло сифатли уруғлик пахта етказиб бериш вазифаси зиммамизга янада чуқур масъулият юклади. Малика Жўрақулова, Зулайхо Бобомуродова, Анор Шойназарова, Замира Бойназарова, Ҳосият Шоимова, Ҳуснобод Маматқулова, Рўҳсат Ҳамроева сингари чеварларнинг ҳар бири пахта қийғос очилган кунлари 250—280 килограммга етказиб ҳосил тердилар. Моҳир механизатор Ашурмамат Маматқулов «зангори кема»сини моҳирлик билан бошқариб бригадамиз хирмонига салмоқли ҳисса қўшди. Йиллик пахта тайёрлаш планини 10 октябрда уддаладик. Мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 41 центнердан ҳосил олинди. Кейинги кунлар ичида бу кўрсаткич 47 центнерга кўтарилди.

Республика партия ва ҳукуматининг даъваткор Мурожаатига жавобан теримчилар ўртасида ўзаро мусобақа янада авж олиб кетди. Чевар теримчилар мавсум охиригача кўплаб пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Айни пайтда теримчилар сони 80 кишидан 120 кишига етди. Отахон ва онахонларимиз ҳам ҳиммат кўрсатишмоқда. Шарбат момо Авазова, Кўчар бобо Йўлбоев ва Комил бобо Бойназаров каби ватанпарвар қарияларимиз ҳам баҳоли қудрат пахта териб беришяпти. Ана шундай ҳисоб китобга кўра ҳар гектар майдондан 55 центнердан хирмон кўтарамиз.

Ҳалима АЗИМОВА,
Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхоз бригада бошлиғи, СССР Олий Совети депутати.

Қарши чўли—иқбол йўли

ЮЛДУЗЛАРГА БЎЛДИ ҲАМСОЯ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг «Қўриқ» эпопеясида «Эски лугатлардан «қўриқ» сўзини топишингиз мумкин-у, лекин «чўлқувар» сўзини тополмайсиз. Бу сўз коллективлаштириш йилларида туғилган «колхозчи» сузи сингари 50-йилларда туғилди. Ушанда «Қўриқ» тушунчасининг ўзи соф деҳқончилик аҳамиятини йўқотиб, бу сўз ижтимоий терминга айланди. Зотан, бу сўзда юксак гражданлик ва чуқур совет ватанпарварлиги мужассамлашган эди. Чўлқувар — тарихий фигура бўлиб, қаҳрамонона даврни белгилаб беради. Бу сўз билан давр таҳозоси белгилаган алоҳида характер ифода этилади» деди.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» асаридан гоятда чуқур илҳомланган ҳолда партия амри, халқ иродаси билан гулистонга айланаётган Қарши чўли ҳақида икки оғиз гапириб ўтаман.

Шоирлар номи чўл, лекин бағри поёнсиз пахтазор, боғроғлар билан қопланган бу диёрни шундай таърифлашади:

Чор тараф гулзор, хиёбон,
йўллари тахти равон,
Бахт уйидир Талимаржон,
бахтга юз бурди Нишон,
Кўкка парвоз этса
қушлар Қаршидан
Жейнов томон,
Элнинг иқболини куйлаб,
кўрмагай гулшанда хас,
Биз билан сиз бунда
чўллар қувсангиз,
шу бизга бас!

Совхозимиз Қарши чўлининг қоқ ўртасига жойлашган. Чўл қалби кўкрак бўлса, чўлқуварларимиз уни эмиб улгайяпти. Улар шундай сезгир, заҳматкаш кишилари, чўлнинг юрак тепишидан нафас олишигача — ҳаммасини билишади. Ер қариди, деган афсона бор. Йўқ, ундай эмас. Чўлқуварлар жасорат, матонат билан ерни қаритмай яшартиряпти-лар, қиёфасини ўзгартириб, ҳуснига ҳуси қўшяпти-лар. Чўл партия ёғдусида халқ, коммунизмга хизмат қилдириляпти.

Зафарнинг нашъасин татиган ёрлар: мард бўлсанг майдонда енгиб чиқ дерлар. Чўлқуварларимиз майдонда мардлик билан табиат ўжарликларни, инжиқликларини енгмоқдалар, партия ташкилотлари бахш этган қанот билан ғовлар, даралар, қумсаҳроларни, тоғларни писанд этмай тобора юксакликларга парвоз этмоқдалар

Ҳар фаслнинг ўз ташвиши ва роҳати бор. Шу йилнинг баҳор фаслида кўп заҳмат чекиб 3.300 гектар ерга барака уруғи қададик. Ёз жазирамасига бардош бериб мўл ҳосил тўпладик. Кузнинг қисталанг кунларида 6.600 тонна пахта тайёрладик, планимиз юз, юзимиз ёруғ бўлди. 2.000 тонна ипак пахтамиз давлат омборида жилоланиб турибди. Бугунгача пландан ташқари 800 тонна пахта жўнатдик. Меҳнат билан етиштирган «оқ олтин»имиз юлдузларга бўлди ҳамсоя!

Юкимиз оғир, манзилимиз олис. Лекин таянчимиз машиналар, уни бошқарадиган азамат механизаторларимиз бор. 72 та «зангори кема» бункерларидан беш минг тонна пахта тўкилди дала гвардиячиларимиз. Пахтачилигимиз тарихида биринчи марта шундай юқори кўрсаткичга эришдик.

Ўсиш, юксалиш йўлидан дадил олга боряпмиз. Совхозимиз илк бор пахта экканда 1974 йилда 2.780 тонна ҳосил олгандик. 1977 йилда ҳосил 6.944 тоннага етди. Бу йилгиси 9.000 тонна бўлади!

Ҳосил ўзи бунёдга келаётган йўқ, уни чўлқуварларимиз бунёдкорлик меҳнати билан яратяпти. Ўзбек қизи Розия Қудратова чўлда бригадирлик қилиб, гектаридан 40 центнердан пахта етиштиради, деса илгари ким ишонарди? Муҳаббатхон, Арфизахон Авлиёқуловалар машинада 250-300 тонна пахта теради десачи? Ҳа, улар бугун виждон амри, партия чақириғи билан шунга эришдилар.

Чўлқуварларимизнинг сафи мустаҳкам, иродаси кучли! Бекмур Жўраев, Раҳмат Мейлиев, Чори Эшонқулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қўзи Аҳмедовлар бошлиқ бўлимларимиз чўлда пахтадан юқори ҳосил олишнинг усталари бўлиб танилдилар. Ҳар йили ҳосилдорликни гектар бошига 7-10 центнер кўтармоқдалар. Бобомурод Тиркашев, Бахтиёр Мусаев, Очил Сувонов, Худойназар Каримов каби оташқалб механизаторларимиз уларга қанот бўлмоқдалар.

Диёримиз — Ленин диёри, улуғвор диёр! Чўл ўрнида қад кўтарган посёлкаларимизни кўрган кишилар гўзал шаҳарлардан фарқлай олмайдилар. Ҳамма жой Ильич чироқлари билан чароғон, ҳашаматли бинолар, жамоат жойлари, мактаблар, магазинлар кўзни қамаштиради. Чўлқуварларнинг фарзандлари боғча-яслиларда тарбияланиб, мактабларда ўқимоқдалар.

Ҳаётимиз — янгича, турмушимиз фаровон. Фаровонлик замири меҳнат, пахта, ҳосилдорликни ошириш, сортни яхшилаш! Энг муҳими — пахтачиликдаги ҳамма ишларни комплекс механизациялашдир. Аслини олганда комплекс механизация бундан кейин ҳам пахтачилигимизнинг асосий негизини ташкил этаверади Саид Отанёзов, Маматқул Оролов, Маҳмараим Турсунов, Ҳурram Аҳмедов ўртоқлар бошлиқ пахтачилик бригадаларимиз теримда, умуман эса дала ишларида қўл кучи ишлатмасдан чўл шароитида пахтадан 35-40 центнердан хирмон кўтариб, 50 центнерлик маррага интилмоқдалар.

Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат деганлар. Халқимиз астойдил меҳнат қиляпти, меҳнати эвазига катта даромад олиб, оила аъзолари билан пиру бадавлат ҳаёт кечиряпти. Чўлқуварларимиз бахтли оила қуряпти, уй-жойли, машинали бўляпти, никоҳ ва ҳовли тўйлари ўтказяпти.

Чўлқуварларимизнинг она-Ватанга, Коммунистик партияга, шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежневга бўлган меҳр-муҳаббатлари чексиздир. Улар эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, янги ғалабаларни қўлга киритиш, Қарши чўлини республикамизнинг чароғон ва фаровон боғларидан бирига айлантириш учун бутун куч-ғайратлари, билим-тажрибаларини сафарбар этаверадилар.

Қарши чўлига келинг, азиз дўстлар! Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўриқ» эпопеясидан руҳланган ҳолда бирғалиқда чўл қувлаймиз. Қарши чўлини яқин келажакда бир миллион тонна Қашқадарё «оқ олтин»и беradиган диёрга айлантирамиз.

Тўлғоной НОРБУТАЕВА,
Қашқадарё область Нишон районидаги Салвадор Альенде номли совхоз директори.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Сариосиё районининг пахтакорлари ғалаба маррасини эгалладилар. Она-Ватан хирмонига 55890 тонна «оқ олтин» тўкилиб, зарбдор йил халқ хўжалиги плани ошириб бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 1000 тонна кўпдир. Ҳосилдорлик гектар бошига 38 центнерга етди.

Сариосиёлик пахтакорлар пахтанинг бир мисқолини ҳам чаноқларда қолдирмаслик учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар.

* * *

Пахтакор районининг ўлкан хирмонига 46,5 минг тонна кўрпа дурдонаси тўпланди. Бу ўтган йилнинг шу даврдагидан 3,5 минг тонна кўпдир. Ҳар гектар ердан 25 центнердан «оқ олтин» олинди. Ҳосилнинг 35 минг тонкасини «зангори кема» капиталари бункерларидан тўкишди. Бу ялпи хирмоннинг деярли 82 процентини ташкил этади.

Пахтакорлик марди-майдонлар давлатга яна 5 минг тонна пахта топшириш учун йиғим-теримни давом эттирмоқдалар.

* * *

Янгиқўрғон районининг пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Она-Ватанга 41,9 минг тонна «оқ олтин» етказиб берилиб йиллик халқ хўжалиги плани шараф билан бажарилди. Тайёрланган хом ашёнинг 6800 тоннаси ипгича толали пахтадир. Ҳар гектар ердан ўртача 33,5 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Ялпи ҳосилнинг ярми машиналарда терилди.

Район пахтакорлари республика партия-ҳукуматининг Мурожаатига жавобан ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ҳосилнинг сўнгги мисқолигача териб олиш учун мардонавор меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Пойтахт областидаги Ўрта Чирчиқ районининг пахтакорлари об-ҳаво қийинчиликларини мардонаворлик билан енгиб, дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қабул пунктларига 44600 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилнинг 83 процентини биринчи сортларга топширилди. Дала суворийлари агрегатлар бункеридан 37.400 тонна пахта тўкдилар.

Ўрта чирчиқлик пахтакорлар давлатга яна 1500 тонна пахта топшириш учун курашмоқдалар.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилсин:

Фарғона области — область партия комитетининг секретари ўртоқ Ф. Ш. Шамсиддинов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳ. Умаров, область қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Т. Ғаниев, область «Заготхлопкопром» бирлашмасининг бошлиғи ўртоқ М. А. Мирзаеҳмедов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти ишлаб чиқариш бирлашмасининг раиси ўртоқ А. Хўжаев, область суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қ. Расулов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Н. Ҳ. Раҳимов.

Сариосиё райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Менглиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Намозов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Турсунов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Карендашов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Иброҳимов;

Эллиққалъа райони —район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Примов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Аминов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Худойберганов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуримбетов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Йўлдошев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Отажонов;

Қоракўл райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Жўраев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Сувонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Тожиев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Рўзиев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ҳамроев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ғайбуллаев;

Китоб райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Султонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мансуров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Неъматов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маҳмудов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Каримов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Кенжаев;

Ўрта Чирчиқ райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Эгамбердиев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мирёқубов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Иқромов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Убайдуллаев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Акбаров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Арбузов;

Избоскан райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Саримсоқов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Мамажонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Шокирова, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Иброҳимов, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Камчиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳамидулин;

Бекобод райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Максумов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Кодиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Хожимирзаев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Умаралиев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Умиров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Бургутбоев.

Янгиқўрғон райони — район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қоримаматов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ҳакимов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Назаров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ашуралиев, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш техника таъминоти район ишлаб чиқариш бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Раҳматов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Маҳкамов.

КУРАШ БЎШАШМАЙДИ

Колхозимиз халқ хўжалик планини бажарганига анча бўлди. Ҳар куни мажбурият ҳисобига бир процентга етказиб пахта топширмоқдамиз. «Оқ олтин» хирмонимиз 7 минг 500 тоннадан ошди. Мавжуд 1865 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 41 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Биз ялпи ҳосилни 7800 тоннага, ҳосилдорликни эса 45 центнерга етказиш мақсадида йиғим-теримни қизғин давом эттирмоқдамиз. Энг муҳими шуки, далада ҳали пахта кўп. Бир грамм толани ва битта чигитни ҳам увол қилмай йиғиштириб олсак кўзлаган марра эгалланишига шубҳамиз йўқ.

Об-ҳаво дам-бадам ўзгариб турган шу кунларда ишнинг муваффақияти фақат ўзимизга, йиғим-теримни тўғри ташкил қилишимизга боғлиқ. Биз буни ҳисобга олиб, аниқ тадбирлар ва иш графикларини белгилаб чиқдик. Унинг ижроси колхоз пахта штабининг кунлик назорати остига олинган. Ҳар бир бригада, ҳар бир теримчи ва механизатор, ҳар бир коммунист ва комсомол кунлик нормани қандай бажарганлиги иш кунининг охирида таҳлил қилинади.

Колхознинг Исмоил Шарипов, Зулайхо Рўзматова, Хўжанёз Мадаминов бошлиқ илғор бригадалари биринчилар қаторида маррага етиб, ҳосилдорликни ҳозирга қадар 45—50 центнерга етказдилар. Бу бригадалар кунлик графикларни бажаришда ҳам ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Дала гвардиячиларининг жасорати мақтовга лойиқдир. Улар 5 минг тонна пахтани машиналарда терib бердилар. Подборщиклар, кўрак чувиш машиналари шу кечакундузда хирмонга барака киритаётир. Рустам Отажонов, Марямжон Раҳимова, Самандар Бобожонов, Зулфия Исмоилова каби механизаторларнинг бутун куч-ғайрати ҳосилни мумкин қадар тезроқ йиғиб-териб олишга қаратилган. Даладаги ҳосилни йиғиб олиб тонналар яратаётган Муҳаббат Рўзиматова, Доно Хожиева, Зайнаб Оллоёрова, Раъно Йўлдошева каби фидокор теримчилар мусобақада олдинги safларда бормоқдалар.

Аҳмаджон ЮСУПОВ,
Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор.

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА

Туманбой МЎЛДАҒАЛИЕВ,
Қозоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

ДЎСТИМГА МАКТУБ

Даламдан бошланса йўл
Йўлларингга туташди.
Азал-абад элдош эл
Ўртада мол, боғ, дашти.

Ён босдинг менга ҳар чоқ
Жондошим —туғишганим.
Қиз олиб қочса қозоқ,
Аттанг, деб қувишмадинг.

Не-не қозоқ қизи ҳам
Бўлиб кетган чин ўзбек.
Дўстим, йўқ сендан гинам,
Дилда йўқ афсус ва кек.

Ҳатто кўп оға-иним
Ўзбекдай бўлиб кетган.
Аммо, дўстим, аёвлим,
Даъвойим йўқдир сендан.

Дўст рўй-рост айтар бетга,
Ғапни четга бурмадим.
Лек қозоқ бўлиб кетган
Ўзбекни ҳеч кўрмадим.

Қумсайман, куй-ғазалинг —
Кўкламдай уфурар ҳис.
Бозорлару вокзалим
Ғавжум бўлмас сенингсиз.

Дўстнинг ҳазил сўзи кўп,
Бусиз кўнгил тўлурми:
Ўзбек турмаса тўлиб
Бозор бозор бўлурми.

Бизнинг сулув овуллар,
Ўзбекнинг ўз овули.
Аввал қозоқ тилимлар,
Пишса ўзбек қовуни.

Сен, десалар қалбда ёз,
Пешвоз чиқгум қўлда гул.
Эгнимда ёнган либос
Пахтаойингдан бутқул.

Сиз қаро кўзларсиз ҳеч
Манзилим кўзланмагай.
Икки элга қўш севинч
Навоий ҳамда Абай.

Марралар ўрлар ўктам,
Ой-кунлар ғамхўр бизга.
Ҳамкордир Авезов ҳам
Ойбегу Ғафур бизга.

Икки эл — кўзу қароғ,
Тўйин бирга тўйлайди.
Мухторни қумсаб қозоқ
Шайхзодани ўйлайди.

Оламга таратдик донг,
Тонг қолди жумла-жаҳон.
Зулфиядек азиз ном
Бизга ҳам фахр ва шон.

Дўстмиз, демасдан туриб
Дўстлиги аён элмиз.
«Пахтакор» —
«Қайрат» бўлиб
Гоҳ ғолибу гоҳ тенгмиз.

Олдга элтар юким кўп,
Сенсиз ҳолим етмайди.
Тошкентнинг тўйи букун
Олмотасиз ўтмайди.

Қондош, жондош, тенгдош эл,
Ҳиссанг бор ҳар ишимда.
Қадим чанқоқ Мирзачўл
Сув сўрайди Иртишдан.

Қозоғу ўзбегимда
Туз-намак бир, тенг шерик.
Наманган узумига
Женгешем бўлар жерик.

Ким элу юртин суйса,
Қалби унинг терандир.
Тошкентда ер силкинса,
Қозоқ ҳам ташвиш тортур.

Дўстим Барот уйига
Келсам-да қумсаб ҳар дам,
Ўз уйимдек ҳар уйга
Қўйгайман илдам қадам.

Зийнату фарзандларинг
Дўстлигим, ўз-ўзлигим.
Урушнинг ғам-дардин ҳам
Тенг тортганмиз, ўзбегим.

Ул жангларда ёнма-ён
Минг тирилиб, минг ўлдик.
Жуфт қаро кўздай ҳар он
Ғам -қувончни тенг бўлдик.

Шундан: дўсту жон-дилсан,
Тўю, маракамдасан.
Ҳозирман қайда бўлсанг,
Қайда бўлсам — биргасан.

Шул офтоб экан ҳамдам,
Тизгинни бермай қўлдан,
Келажак йўлларда ҳам,
Боражакмиз шахт, илдам.

ОТАЕР таржимаси.

Суратда: Турсун ота самбочи ўғиллари даврасида.

Р. Альбеков фотоси.

ҚИШЛОҚ СПОРТЧИЛАРИ ҲАЁТИДАН

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ

Отаҳонни танимаган одам йўқ, деса бўлади. Тенгқурлари «Ветеран», «Қизил партизан» ёки «Инқилобчи» дейишади. Янгибозор, Ўргич, Денов, Жиғачи ва Қораўн қишлоқларида: «босмачиларнинг додини берган чол» дейилса, дарҳол Турсун отани эслашади. Дарвоқе, у Улуғ Октябрь иши ва совет тузумини мустаҳкамлаш учун олиб борилган ҳар қандай курашда— саводсизликни тугатишдан тортиб, хотин-қизлар озодлиги, ерсув ислоҳоти, бойлар ва мушутмзўрларни синф сифатида тугатиш, қолаверса босмачиларнинг «думини» тугишда фаоллик кўрсатганлардан бири.

У 1931 йили Қораўл районининг Қораўн қишлоқ Советида «Ижтимоий хўжалик» колхозини тузганлардан эди. Орадан етти йил ўтиб, қишлоқ аҳли Турсун Юсуповни мазкур колхозга раис қилиб сайлашди. 12 йил мобайнида янги хўжаликда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 3 центнердан 21 центнерга кўтарилди. Боғ-роғлар барпо этилди.

Мана ўттиз йилдирки, отахон боғбонлик билан шуғулланиб келади. Унинг ташаббуси билан «Ўзбекистон» колхозида 40 гектарлик майдонда токзор ва боғ барпо қилинди, Қораўл районидагина эмас, Бухоро областининг барча районларида тутчиликнинг кенг ривожланишида ҳам унинг ҳиссаси бор.

Соҳибқиронинг шахсий ҳаёти ва оилавий турмуши ҳам ибратли. Турсун ота илғарилари Бухорода толмас курашчи, ажойиб деҳқон, миришкор боғбон бўлиб танилган бўлса, фарзандлари туфайли бутун республикага довруг таратди. Бу оилада 7 ўғил ва икки қиз камол топди. Шу боис, самбочи курашчилар оиласи, дейилса, дарҳол Турсун отанинг фарзандлари ёдга келади.

Катта ўғил — Жўрақул биология фанлари кандидати. Ҳозир у Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институтида катта илмий ходим бўлиб ишлаяпти. Унинг кўксида «СССР спорт мастери» нишонини кўриш мумкин. Отахоннинг иккинчи фарзанди Нурмуҳаммад Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида таҳсил олди, ажойиб спортчи. Ҳозир «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг биринчи категориали тренери. У шу йилги пахта йиғимтерим кампанияси кезларида спортчилардан иборат бригада тузиб, ўз шогирдларини далага олиб чиқди. Пахтазорда республикамиз улкан хирмонига ўз шогирдлари билан муносиб ҳисса қўшди. Нурмуҳаммад ҳам спорт мастери бўлиб, айни вақтда илмий иш олиб боромоқда. У «Қишлоқ шароитида мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларни физкультура ва спортга жалб қилиш ҳамда улар билан ишлаш методикаси» мавзуини танлаган. Нурмуҳаммад район ёшлари ўртасида спортнинг оммалашишига катта ҳисса қўшяпти. Қишлоқ ёшларидан 15 нафарининг спорт мастери, юздан ортиқ йигит-қизнинг мастерликка номзод ёки биринчи разрядли спортчи бўлиб камол топишида унинг муносиб улуши бор. Шогирдларидан иккисининг СССР терма командасига аъзо эканлиги таҳсинга лойиқдир.

Ўғилларидан яна бири — Музаффар қишлоқ хўжалигини механизациялаш ихтисослиги бўйича мутахассис. Янги ерларни очиш бўйича механизацияланган бригадаларга бош механиклик қилянти. У ҳам самбо бўйича спорт мастери ҳисобланади. Турсун отанинг тўртинчи ўғли Шермуҳаммад Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ўрмончилик факультетида билим олди. У ҳам самбо бўйича ака-укаларидан қолишмайди. Каттакичик мусобақаларда спорт мастери деган унвонни оқлашни ўрнига қўяди. Норқул математикага ихлос қўйди. Самарқанд Давлат университетида ўқиди. Аъло баҳоларда ўқиш билан бирга тенгқурлари орасида самбога меҳр уйғотди.

Отахоннинг кенжа ўғли ҳақида алоҳида тўхталишга тўғри келади. Самбочи акаларидан беллашишнинг сирасрорларини ўрганиб, кўпроқ тажриба тўплаган Комилжон Юсуповлар оиласи доврўгини таратди. Ўзининг абжирлиги, мусобақаларда ғолиблик супасига кўтарилиши билан мухлислар олқишига сазовор бўлган йигит спорт мастери бўлиб олди. Мутахассислар унинг келажагини порлоқ санаб, совет самбочилари терма командасига аъзо қилиб олишни лозим кўришди. Комилжон бу ишончни оқлади. Бокуда бўлиб ўтган халқаро учрашувда муваффақият қозонди. Таниқли япон дзюдочиси Х. Кичини енгиб, халқаро классли спорт мастери номига сазовор бўлди. Япон полвонларининг тренери В. Кого эса Комилни «Совет самбочилари юлдузи» деб баҳолади. Иқтидорли самбочи шу кунларда Москвада бўлажак Олимпиада баҳсларига ҳозирлик кўряпти.

— Кўрган сари кўргинг, билган сари билгинг келар экан, — дейди Турсун ота. — Ёшим саксондан ошди. Нигирма ёшимгача бойлар хизматида бўлиб, тортмаган азоб-уқубатим қолмаган. Юртимизда Октябрнинг ол байроғи ҳилпиради-ю, кўкрагимизга шамол тегди. Биз ёш Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жон берib-жон олдик. Шу кунги бахтли-фаровон турмуш учун курашганмиз. Меҳнатларимиз зое кетгани йўқ. Болаларим турли касбни эгаллаб оёққа турган экан, турмуш тарзимизнинг афзаллигидандир. Ўғиллар ғўл урган ишни эплаб кетишида, кўнм топишида, ҳаёт ва турмушларида юз бергувчи қийинчиликларни енгиб ўтишларида спортнинг хизмати катта, деб биламан. Ўзим ҳам мусобақаларга бориб тураман.

— Отам айтмоқчи, спортнинг хосияти кўп. У киши кекса бўлишларига қарамай, мен қатори Москва Олимпиадасига ҳозирлик кўряптилар, ҳиммат кўрсатмоқчилар, — дейди Комилжон. — Отам 1980 йилда ўн тонна сараланган олма ҳосилини Москвада спортчилар анжуманида баҳслашаётганларга совга қилиб бориши аҳд қилганлар. Яқинда оила аъзоларимиз йиғилишиб, ўзаро яна бир фикрга келдик. Отамнинг сўзи билан Москва Олимпиадаси ташкилотчиларидан оилавий совғни ташкил этишимизга рухсат беришларини сўрадик. Бу совғнини Олимпиаданинг энг яхши дзю-дочи полвони билан, кўп тўп киритган футбол ҳужумчисига беришни лозим кўряпмиз. Ўзим эса спортнинг дзю-до тури бўйича совет спорти шарафини ҳимоя қилмоқчиман. Чунки Олимпиада программасига самбо беллашувлари киритилмаган.

А. ТУРҒУНОВ.

ХРОНИКА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Жўлибой Отажонов ва Шоасқар Шоазизов ўртоқларни бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Суди аъзолиги вазифасидан озод қилди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

27 НОЯБРЬ — 3 ДЕКАБРЬ

27 НОЯБРЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Эрталабки гимнастика. 9.55—Мультфильмлар. 10.25 — Бадиий фильм. 11.40 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.40 — Н. Римский-Корсаков. Симфоник сюита. 15.00 — Қишлоқдаги оддий иш кунлари. 16.00 — Я. Смеляков поэзияси. 16.30 — Жонажон табиат. 16.50 — Бил ва уддала. 17.35 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 18.00 — 14 дан 18 гача. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Киножурнал. 18.55 — Учинчи йил — зарбдор йил. 19.40 — П. И. Чайковскийнинг «Ўйқудаги гўзал» балети. 21.30 — Вақт. 22.00— «Ўйқудаги гўзал» балетининг давоми. 22.50 — Ҳужжатли фильмлар. 23.20 — Куз оҳанглари. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.20 — Ўқув кўрсатуви. 10.40—Ҳужжатли фильм. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳаётга қайтиш. Бадиий фильм, 1-серия. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Янгра, барабан! 18.45 — Нурафшон ўлка маршрутлари. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Жасорат. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Вақт. 22.00 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.15 — Уруш, уруш-да. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Вертикаль. Бадиий фильм. 20.45 — Реклама. 20.55 — Янгиликлар.

28 НОЯБРЬ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Эрталабки гимнастика. 9.55—Мультфильмлар. 10.10 — П. И. Чайковскийнинг «Ўйқудаги гўзал» балети. 12.50 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. 16.40 — Совет адабиётида коммунист образи. 17.30— Сиз яратган боғ. 18.00—Шеърларни ўқиб. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Жасоратнинг дала почтаси. 19.35 — Теннис. Таллиндан олиб кўрсатилади. 20.20 — Таваккалчилар стратегияси. Кўп серияли бадиий фильм 1-серия. 21.30 — Вақт. 22.10 — Дўстларимиз чеҳраси. 22.55 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. 23.30 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 —Қизиқарли учрашувлар. 12.00 — Шеърият мухлисларига. 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — Ҳаётга қайтиш. Бадиий фильм, 2-серия. 18.00 — Еш куч. 18.30— Фан. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Ахборот. 19.30 — «Зангори экран» почтаси. 20.00 — Ўзбекистон давлат санъат музейи заллари бўйлаб. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30—Вақт. 22.10 — Чорвадор. 22.25 — Юрак амри. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Энг секин юрар поезд. Бадиий фильм. 20.20 — Фильм-концерт. 20.50 — Янгиликлар.

29 НОЯБРЬ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.45 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Шеърларни ўқиб. 10.35 — Таваккалчилик стратегияси. Кўп серияли бадиий фильм, 1-серия. 11.40 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.40 — Концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 16.25—Шчёлково ип газлама комбинатида. 16.55 — Концерт. 17.40 —Ҳужжатли фильм. 18.00 — Горнчилар, қаердасиз? 18.30 —Янгиликлар. 18.45 — Қувноқ нотолар. 19.00 — Фан оламида. 19.30 — Халқ чолғу асбоблари. 20.15 — Таваккалчилик стратегияси. Кўп серияли бадиий фильм, 2-серия. 21.30 — Вақт. 22.10 — Тележурнал. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00—Ҳужжатли фильм. 12.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 13.00 — Киноқўзғудаги ҳаёт. 18.00 — Светофор. 18.45 — Партия планлари —халқ планлари. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Концерт. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Дўстлик экрани. 21.30 — Вақт. 22.10 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.25—Ягона йўл. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 — Биз Спасскданмиз. 20.00 — Кругозор. 20.30 — Концерт. 20.55 — Янгиликлар.

30 НОЯБРЬ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.45 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Олга, боланайлар. 11.05 — Таваккалчилик стратегияси. Кўп серияли бадиий фильм, 2-серия. 12.20 — БАМни қураётганлар ҳақида. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.35 —Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 16.05 — В. В. Андреев номли рус халқ оркестри чалади. 16.35 — Гражданин бўлиб етишишинг шарт. 17.05 — Фильм-концерт. 17.45 — Орлёнок. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Мультфильм. 19.05 — Миллионлар ленинча университети. 19.35 — Концерт. 20.20 — Таваккалчилик стратегияси. Кўп серияли бадиий фильм, 3-серия. 21.30 — Вақт. 22.10 — Романслар. 23.10—Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Мультфильм. 18.15 — Ешлик. 18.45 — Халқ контроли экрани. 19.15 —Ахборот. 19.30 —Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Вақт. 22.10 — Пигит билан қиз. Бадиий фильм. 23.15 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» — «Динамо» (Минск).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 — Турнахон. Бадиий фильм. 20.55 — Янгиликлар.

1 ДЕКАБРЬ ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.45 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Горнчилар, қаердасиз? 10.35— Таваккалчилик стратегияси. Кўп серияли бадиий фильм, 3-серия. 11.45 — Фильм-концерт. 15.00—Ҳужжатли фильм. 15.45 — Шахмат мактаби. 16.15 — Концерт. 17.15—Москва ва москваликлар. 17.45 — Қувноқ стартлар. 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — Арфада О. Эрдели чалади. 19.50 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.05 — Мусиқали программа. 21.30 — Вақт. 22.00 — Кинотомошони ҳамроҳи. 22.35 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо».

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00—Ҳужжатли фильм. 18.00 — Ешлик. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — Иқтисод ва тежамкорлик. 19.15 — Ахборот. 19.30 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Концерт. 21.30 — Вақт. 22.00 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.15 — Бир йилнинг тўқиқа куни. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — «Тошкент» телепрограммаси. 21.00 —Янгиликлар.

2 ДЕКАБРЬ ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Эрталабки гимнастика. 9.55 —Отаоналар, сиалар учун. 10.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 10.55 — Тонгги почта. 11.25— Советлар ва ҳаёт. 11.55 — Спортлото. 12.10 — Здоровье. 12.55 — «Сампо» балетига ёзилган куйлардан сюита. 13.15—Ўзимизнинг ўлка. 14.10 — Капитан Немонинг сирли ороли. Кўп серияли бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 15.50 — Адабий суҳбатлар. 16.35 — 1978 йил қўшиқлари. 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Янгиликлар. 19.00 — Ешликнинг хушовоз қуши. Спектакль. 21.30 — Вақт. 22.00 — Нима? Қачон? Қаерда? Телевикторина. 23.00 — Концерт. 23.25 —Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Телевизион миниатюралар театри. 11.20 — Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари анъанаавий куйларининг фестивали. 13.10 — Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак. 13.40 — Ўзбекистон спорти. 14.10 — Оила муҳокамасига. 17.35 — Қувноқлар даврасида. 18.05 — Мультфильм. 18.15 — Ешлик. 18.45 — Оламда нима гап. 19.15 — Ахборот. 19.30 —Театр учрашувлари. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Санъаткорлар — ҳосил усталарига. 21.30 — Вақт. 22.00 Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.15 — Яшил карета. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.30 — Душанба кўрсатувлари.

3 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.35 — Зарядкага сафланинг. 9.55 — Халқ оҳанглари. 10.10 — Будильник. 10.40 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.40—Мультфильм. 12.30 — Қишлоқ янгиликлари. 13.30 — Музиқали киоск. 14.00 — Театр спектакли. 16.55 Халқаро панорама. 17.30 — Эстрада программаси. 18.00 — Шахсан жавобгар. Ҳужжатли фильм. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 —Мультфильмлар. 19.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.10 — Қўшиқчи. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.00 — Сизнинг фикрингизча. 22.50 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эстрада коллективлари республика конкурси лауреати— «Чен-Чун» ансамблининг концерти. 10.45 — Мультфильм. 11.05— Оналар мактаби. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00—Визнинг Чукоккала. Бадиий фильм. 13.55 — Шахмат мактаби. 14.25 — Реклама. 17.35 — Юлдузча. 18.15 — Камалак. 18.45 — Кинокўрсатув. 19.15— Ахборот. 19.30 — Фильм-балет. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Жўрабек Набиев ва Гулнора Жўраева концерти. 21.30— Вақт. 22.00 — Пахтазор — мардлар майдони. 22.15 — Телевизион миниатюралар театри. 23.25—Ҳужжатли фильм.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —25/XI да **Майсаранинг иши**, 26/XI да **Аловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Анна Каренина** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/XI да **Кўрмайин босдим тиконни**, 26/XI да **Тирик мурда** (11.00), **Кўрмайин босдим тиконни** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да **Тошболта ошиқ**, 26/XI да **Шаҳзода ва етим қиз** (12.00), **Тошкентнинг нозанин маликаси** (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Аренада москваликлар» янги цирк программаси** (25/XI да 16.00, 19.30, 26/XI да 12.00, 16.00, 19.30).

ЎРТА ОСИЕ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ **вакант вазифаларга**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

сектор ҳичин илмий ходимлари: қумлоқ ерларни қуқаламзорлаштириш, ўрмон экинлари, тоғ ўрмончилиги, илмий-текшириш ишларини илмий методик контрол қилиш группаси.

Конкурс муддати — 11 декабргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент райони, Дарҳон алоқа бўлими. Телефонлар: 24-60-39, 24-60-63.

ТОШКЕНТ ШАҲАР 85-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

тўқувчилар ва йигирувчилар группасига

ҚЎШИМЧА РАВИШДА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ҚИЗЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати—бир йил. Ихтисос билан бир вақтда ўрта маълумот бериладиган группаларда ўқиш муддати — 3 йил.

Ўқувчиларга бепул кийимбош, уч маҳал иссиқ овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида 50 процент иш ҳақи. 10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганларга ой сайин ойга 70 сўм миқдорида стипендия берилади.

Бир йиллик группаларга кирган 8-синф ҳажмида маълумотли тўқувчилар комбинат қошидаги ишчи-ёшлар мактабида ўқишларини давом эттиришлари мумкин.

Шу жумладан, билим юртига тўқимачилик ихтисослари бўйича 6 ойлик курсларга қизлар қабул қилинади. Стипендия—70 сўм.

Бошқа шаҳардан келганларга қулай ётоқхонадан жой берилади.

Билим юртини битирган ўрта маълумотли ёшлар олий ўқув юртига имтиёзли шарт-шароитларда қабул қилинадилар.

Адрес: 700092. Тошкент шаҳри, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 34-уй. Телефон 53-39-01.

СССР Транспорт қурилиши министрлиги

ЎРТА ОСИЕ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

техника мактабининг 6 ойлик курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар ДГКУ базасида мотовоз, автодрезина, котлованноптель машинистлари ва ДПО — 3000 машинистлари курсларида ўқитилиб, БАМ, Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиё темир йўлларини электрлаштириш бўйича комсомол зарбдор қурилишларида ишлаш учун юборилади.

8-синф ҳажмида маълумотли 18 ва ундан юқори ёшдаги кишилар қабул қилинади.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Ўқиш пайтида ойига 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Бошқа шаҳардан келганлар техника мактаби қошида ётоқхона билан таъминланадилар.

Машғулотлар — 1 декабрдан бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Венгерская кўчаси, 29-«а»-уй (вокзалдан 2, 66, 85-автобусларнинг «Мактаб» бекати ёни Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 11-уй, «Средазтрансстрой» техника мактаби (9, 11, 24-трамвайларнинг «Киров номли парк» бекати).

ТОШКЕНТДАН ГАПИРАМИЗ ВА КЎРСАТАМИЗ

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Эрталабки гимнастика. 9.55 — АБВГДейка. 10.25 — Ота-оналар, сиалар учун. 10.55 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.25 — Тонгги почта. 12.00 — «Здоровье». 12.45 — ЮСФР телевидениесининг миллий байрам — республика кунига бағишланган программаси. 13.45—Инсон. Ер Конгнот. 14.30 — А. Лядов. Саккизта рус халқ қўшиғи. 14.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.45 — Мультфильмлар программаси. 16.15 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 17.00 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Крылья Советов». Танаффус пайтида спортлото гиражи ва янгиликлар. 19.30 — 1978 йил қўшиқлари. 20.10 — Океандаги ороллар. (телеспектакль, 1-қисм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Океандаги ороллар (телеспектакль, 2-қисм). 23.30 — Рақс зали. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.50 — Концерт. 12.50 — Ота-оналар учун консультация. 13.20 — «Замандас». 14.30 — Монголия Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 54 йиллигига. 17.35 — Қизиқарли учрашувлар. 18.05 — «Ешлик». 18.50 — Халқаро ҳаётнинг актуал проблемалари. 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Мусиқа ва либос. 20.10 — Қишлоқ қаватлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Санъаткорлар — ҳосил усталарига. 21.30 — «Вақт». 22.00 Пахтазор — мардлар майдони. 22.15 — Хато қилишга ҳаққинг йўқ (бадиий фильм).

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.00 — Душанба кўрсатувлари.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Бир жуфт қўшиқ. 9.30 — Ешлик. 10.15 — «Дугоналар». 11.30 — Концерт. 12.00 — Гулла, яшна, қўрин ўлка. 13.00 — Ғўшт етиштиришни кўпайтириш имкониятлари. 13.30 — Беш йиллик илғорлари, сиалар учун концерт. 14.00 — Мусобақадошлар ҳисоб берадилар. 15.40 — Учинчи беш йиллик йилномаси. 16.10 — Концерт. 17.30 — Ўйғур куйлари. 18.15 — Атеистик тарбиянинг таркибий қисми. 18.30 — Спорт программаси. 18.50 — Ешлик. 20.25 — Концерт. 21.00 — Халқаро шарҳловчилар даврасида. 21.20 —Концерт. 22.30 — Фурсат газаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05 33-06-83 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55 32-55-05 секретариат — 33-72-83 32-53-06 БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19 марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18 саноат транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80 32-53-14, 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17 32-54-26 32-54-27 хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43 33-35-53, 32-53-18, 32-53-20 32-53-21 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05 жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71, Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-45; Қашқадарё— 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66 нашриёт диспетчери — 32-78-94 Нашриёт телефон станцияси.

Р. 02913. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 269.